O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 19 FEVRAL ◆ SESHANBA ◆ №22 (26.881)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 22 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 22 февраль куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам, Президент жаноблари,

«Президент кубоги» турнири АТРнинг 2001 йилги «Олий сифат учун» мукофотига сазовор бўлгани муносабати билан АТР номидан табриклайман. Бу мукофот мазкур турнир доим олий даражада ўтаётганлигининг тасдиғи ва ташкилотчилар саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳодир. Ўзбекистонда профессионал теннисни қўллаб-қувватлаётганингизни юксак даражада қадрлаймиз. Зеро, Сизнинг шу ғамхўрлигингиз туфайли «Президент кубоги» мусобақалари АТР доирасидаги беллашувларнинг муҳим бир бўлагига айланди.

«Президент кубоги» бутун дунёда АТР мусобақалари учун ажойиб андоза бўлиб хизмат қилаверади. Бундан Марат Сафин ўзининг чемпионлик унвонини мардонавор сақлаб қолган ўтган йилги беллашувлар ҳам истисно эмас.

2000 йилда ўтган «Президент кубоги» мусобақаларидан ажойиб таассуротлар билан қайтган эдим, энди келгусида яна юртингизда меҳмон бўладиган дамларимни интизорлик билан кутмоқдаман.

Эзгу тилаклар билан,

Марк Д. МАЙЛС,
Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР)
Бош ижрочи директори

ЛИТВА БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

18 февраль куни Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускас расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида А.Бразаускас раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан Литва ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Икки давлат алоқалари тобора ривожланиб бораётган бўлса-да, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги таъкидланди.

Ўзбекистон — Литва муносабатлари мамлакатлар мустақилликка эришганидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Ўтган вақт мобайнида турли даражадаги ўзаро ташрифлар амалга оширилди, бир қанча ҳужжатлар имзоланди ва шу тарзда ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Айниқса, иқтисодий соҳада яқин алоқалар ўрнатилгани эътиборга молик. Ҳозир юртимизда ушбу давлат ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмадан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Учрашув якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, икки томонлама солиққа йўл қўймаслик ва даромад ҳамда сармоядан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида конвенция имзоланди. Ҳужжатларни Ў.Султонов ва А.Бразаускас имзолади.

Шунингдек, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Литва ички ишлар вазири Ю.Бернатонис икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекди.

■ (ЎзА)

ОЛИМПИАДА — 2002: ХРОНИКА

БАҲСЛАР МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

Татьяна МАЛИНИНА

Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтаётган XIX қишки олимпиада баҳслари шу кунларда айни қизғин паллага кирди. Сноуборд, биатлон, конькида учиш сингари спорт турлари бўйича чемпион ва совриндорлар аллақачон аниқланган бўлса, бошқа мусобақалар эндигина бошланмоқда.

Ҳозиргача вакилларимиздан Свиридов-Понамарёва(18-ўрин), Роман Скорняков(19-ўрин) мусобақаларни якунлашди. Дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан спортчилар қатнашаётган мазкур нуфузли баҳсларда ҳамюртларимизнинг эришган бу кўрсаткичини қониқарсиз деб баҳолаб бўлмайди.

Об-ҳаво ноқулайликлари туфайли тоғ чанғи спортининг слалом (тоғдан тез тушиш) тури беллашувлари кечиктирилганлиги боис, чанғичиларимиз баҳсларни муддатидан икки кун кейин, аниқроғи, бугун бошлашади. Шунингдек, турли халқаро турнирлар, қишки Осиё ўйинлари ғолиби Татьяна Малинина ҳам бугун муз устига чиқади.

ҲОЗИРЧА НОРВЕГИЯ ПЕШҚАДАМ

18 февралгача бўлган маълумотларга қараганда, медаллар учун кураш асосан Норвегия, Германия, АҚШ, Россия, Италия, Швейцария, шунингдек, Франция олимпиячилари ўртасида кечмоқда. Ким қандай натижага эришаётганликларини қуйидаги жадвалдан ҳам билиб олиш мумкин:

ЖАМОАЛАР	Олтин	Кумуш	Бронза
Норвегия	8	5	0
Германия	6	10	6
АҚШ	4	7	7
Россия	4	4	2
Италия	3	2	2
Швейцария	3	1	2
Финляндия	3	1	1
Франция	2	3	1
Голландия	2	2	0
Испания	2	0	0



ХУДДИ ШВЕЙЦАРИЯДАГИДЕК...



Швейцариянинг жаҳонга машҳур «Нестле» корпорациясининг истеъмолчиларга яхши таниш бўлган маҳсулотлари энди Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилади. Наманганда «Нестле Ўзбекистон» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Жаҳонда етакчи деб эътироф этилган «Нестле» корпорацияси билан ҳамкорликда амалга оширилган ушбу лойиҳа Марказий Осиёда ягона эканлиги ҳам унинг аҳамиятидан дарак беради. Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида Россиядан сўнг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича улкан лойиҳани амалга оширган иккинчи мамлакатдир.

Қисқа вақт мобайнида Европадан келтирилган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган иккита ишлаб чиқариш биноси фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда Наманганда дастлабки икки турдаги маҳсулот — минераллар билан тўйинган газли ва газсиз ичимлик сувини ишлаб чиқариш, шунингдек, сақлаш муддати 4 ой бўлган тозаланган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Келажакда бундай сутни сақлаш муддатини бир йилгача узайтириш кўзда тутилмоқда. Истеъмолчиларга турли хил болалар озиқ-овқатлари — беш хил «Нестле» сутли кашаси, «Лактоген» сут аралашмаси, «Нидо» сут кукуни ҳам таклиф этилади.

Ички бозор «Нестле Ўзбекистон» маҳсулотлари билан тўлдирилгач, маҳсулот экспорт қилина бошлайди. Шу билан бирга, нафақат асосий корхонада, балки узоқ аҳоли пунктларида ҳам янги иш ўринларини ташкил этиш имкони пайдо бўлгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Вилоят ҳудудида 29 та сутни қабул қилиш пункти очилган. Йил охиригача уларнинг сони 40 тага етади. Ушбу пунктлар қишлоқ аҳолисини сутни сотиш билан боғлиқ муаммолардан халос этади.

— «Нестле» барча мамлакатларда юқори сифатли маҳсулотлари билан машҳур, — дейди «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхонаси бош директори жаноб Мартин Вулну. — Ишончим комилки, Намангандаги корхона ҳам корпорациямизнинг муносиб вакили бўлади.

✧✧✧

Суратларда: «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхонасидан лавҳалар.

■ **ЎзА олган суратлар**

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

СУВГА МУНОСАБАТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИНТИЗОМИНИ КУЧАЙТИРИШ ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР

Бизнинг яна бир бебаҳо бойлигимиз — сув эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Буни сўнгги иккиуч йил давомида мамлакатимиз бошига тушган, қишлоқ хўжалигига, бутун иқтисодиётимизга жуда катта зарар келтирган қурғоқчилик даврида айниқса яққол ҳис этдик.

И. КАРИМОВ

Сурхондарё мамлакатимизнинг ўзига хос табиатга эга гўшаларидан бири. Бу воҳа ҳақида гап кетганда ёзи жуда иссиқ, бироқ саховатли ва деҳқончилик учун ниҳоятда қулай вилоят, дея таърифлашади.

Аммо воҳа бир неча йиллардан буён сув тақчиллигидан азият чекаётир. Қишда қор, баҳорда эса ёмғир кам бўлаётганлиги бу муаммони янада чуқурлаштиряпти.

Гапнинг очиғи, воҳа деҳқонлари бу ерда сувнинг ҳар қатраси олтинга тенг эканлигини яхши англайдилар. Шу боисдан айрим миришкорлар қийин шароитларда ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

Хўш, вилоятда сув муаммоси қандай ҳал этилаётир? Бу борада кишиларни ташвишлантираётган, ечимини кутаётган жиҳатлар борми?

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳайдар Хўжамуродов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— 2001 йилда ҳам сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги ходимларини анча ташвишга солди. Кийинчиликларни бартараф этиш учун елиб-югуришга, кўпроқ тер тўкишга тўғри келгандир?

— Ҳақиқатан ҳам деҳқончилик тақдири шу масала ижобий ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолди. Вилоят ҳокимлигининг кўмаги, тажрибали мутахассисларнинг ғайрати туфайли бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Музробод, Қизириқ, Шеробод туманларида насос станциялар қурилиб, ишга туширилди. Бу ишлар ҳозир ҳам давом эттирилаяпти, натижада минглаб гектар майдонларни суғориш имконияти вужудга келди. Бундан ташқари Шўрчи, Денов, Узун, Сариосиё туманларида 50 та қудуқ қазилиб ишга туширилди.

2001 йилда олдинги йилдагига қараганда 15 фоиз сув кам бўлди. Яхшиси, баъзи рақамлар билан мисол келтира қолай. Бултур лимит бўйича 3 миллиард 800 миллион куб метр сув ажратилган эди. Шундан суғориш мавсумида 3 миллиард 196 миллион куб метр сув келиши лозим эди, амалда эса бу кўрсаткич 2 миллиард 772 миллион куб метрдан ошмади. Шу тариқа экинзорларимизда сув тақчиллиги пайдо бўлди.

— Сув тақчил бўлса-да, бу бебаҳо бойликни исроф қилиш ҳолатлари кузатилдими?

— Афсуски, экинларни суғоришда масъулиятни унутиб қўйган кишилар оз бўлса-да учраб турибди. Баъзи хўжалик раҳбарлари бу масалага жиддий ёндошмаяптилар. Сувдан ортиқча фойдаланган хўжаликларга нисбатан 621 далолатнома тузилди.

Айбдор шахсларга нисбатан 3 миллион 582 минг сўм миқдорида жарима солдик. Айниқса, Ангор, Шеробод, Қумқўрғон, Музробод, Жарқўрғон туманларида сувдан хўжасизларча фойдаланиш ҳоллари кўп учради.

Қумқўрғон туманида ўзбошимчалик билан мош экилгани аниқланди. Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» фермер хўжаликлари уюшмасининг Боймоқли участкасида истиқомат қилувчи Ўрол Тўлаев, Иброҳим Абдимуродов, Ғувон Усановлар ўзбошимчалик билан шоли экишган. Бундай ҳолатлар Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида ҳам учради.

Бандихон туманидаги айрим хўжаликларда эса катта маблағ эвазига, насослар орқали чиқарилган сув зовурларга беҳуда оқизиб қўйилганлигини аниқладик. «Дўстлик» фермер хўжаликлари уюшмасида бошқа нуқсонларга ҳам дуч келдик: ғалладан бўшаган майдонлар айрим кишиларга бўлиб берилган экан. Ангор туманидаги баъзи ширкат ва фермер хўжаликларидаги майдонлар қўллатиб суғорилаётганлиги, сув беҳуда оқизилиб, исроф қилинаётганлиги аниқланди.

— Айни пайтда бундай нуқсонларнинг олдини олиш учун қандай ишлар қилинаётир?

— Бошқармамизда «Сувназорат» инспекцияси фаолият кўрсатаётир. Унинг ходимлари хўжаликларда тез-тез бўлишиб, текширишлар ўтказишмоқда. Умуман, ҳозир сувдан фойдаланиш қаттиқ назоратга олинган.

— Улар қандай муаммо ва камчиликларни аниклашди?

— Ширкат, фермер хўжаликлари ичидаги ариқлар сув оқиши учун равон бўлиши лозим. Аммо ариқларни тозалаш ҳамма жойда ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Натижада суғоришда, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишда қийинчиликлар пайдо бўляпти. Айрим канал ва катта ариқлар тўлиқ бетонлаштирилмаганлиги ҳам сув исрофгарчилигини оширмоқда.

Иккинчидан, баъзи хўжаликлардаги ариқлар дарвозалари, оқаётган сувни ўлчаш асбоблари йўқлиги ҳам ташвишланарли ҳолдир. Айрим дарвозалар таъмирталаб, яроқсиз. Натижада қайси фермер қанча ортиқча сув олаяпти ва қанча сув исроф қилаётир — буларни аниқлаш қийин. Мироблар сувни чамалаб ўлчашга мажбур бўлишмоқда.

— Вилоятда сувдан фойдаланишни яхшилаш, ирригация-мелиорация ишларини тузукрок йўлга қўйиш учун қандай муаммолар кўндаланг бўлиб турибди?

— Гапнинг очиғи, ҳал этилиши лозим бўлган ишлар оз эмас. Хусусан, Шеробод туманидаги мавжуд 85 та тик дренаж қудуқларининг 57 таси ишлатишга яроқсиз. Бундан ташқари, насос агрегатларига ўрнатилган 100 дона электр двигателларининг эҳтиёт қисмларини алмаштириш зарур. Аму-Занг, Боботоғ насос станцияларига ўрнатилган агрегатлар бугунги кун талабига жавоб беролмай қолган.

Сув, электр энергиясини тежаш мақсадида Шеробод каналига Оққапчиғай каналидан оқар сув қуйиш муаммоси бизни қийнар эди. Бу масала ҳозир ҳал этилаётир.

Тўполанг-Қоратоғ каналлари тизимининг жами узунлиги 227 километр бўлиб, шундан 82 километри бетонланган, холос. Каналнинг бетонланмаган қисмида обиҳаёт ерга сингиб кетаётир.

— Ирригация-мелиорация тармоқларини янада кенгайтириш, сувдан фойдаланиш коэффициентини кўтариш мақсадида яна қандай тадбирлар амалга оширилияпти?

— Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) билан Марказий Осиё табиий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш лойиҳаси (USAID/NRMP) вилоятимиздаги сув хўжалиги тизимини бошқаришни автоматлаштириш лойиҳасига ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзоладилар. Унга кўра, вилоятимиздаги сув иншоотларига, насос станцияларига,

(Давоми 2-бетда)

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

— 2001 йил мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса — 4,5 фоизга кўпайди.

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

АҚШ Президенти Жорж Буш Япония Бош вазири Дзюнитиро Коидзуми билан учрашди. Мулоқот халқаро террорчиликка қарши кураш, Японияни иқтисодий инқироздан чиқариш йўллари, икки томонлама алоқалар ривожи, шунингдек, ракетадан мудофаа тизими ва иқлим ўзгариши муаммоларини бартараф этиш каби мавзулар атрофида кечди.

АҚШ Японияга ракетадан мудофаа тизимини яратишда ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқда. Расмий Токио эса Оқ уй маъмуриятини Киото протоколини ратификация қилишга ундамоқда. Ж.Буш бу масалада АҚШ ўз режа ва дастурлари асосида иш кўришини айтди.

Непалда полиция ва армия бўлинмалари исёнчи гуруҳларни йўқ қилиш буйича махсус операция бошлади. Ўтган ҳафта якунида маочи жангарилар мамлакат ғарбидаги Мангалсен шаҳрига ҳужум қилгач, ҳукумат шошилинч йиғилиш ўтказиб шундай қарор қабул қилди. Хабарларга кўра, Мангалсендаги жангларда 49 нафар полициячи ва 48 нафар аскар қурбон бўлган, бир қанча маъмурий бинолар ёқиб юборилган, банк ўмарилган, қамоҳоналардан маҳбуслар қочган. Жангариларнинг 100 нафари отиб ташланган.

Конго Демократик Республикаси (КДР) шарқида ўзаро нифоқда бўлган ленду ва хема элатлари ўртасида яна қонли тўқнашувлар бошланди. Хабарларга кўра, ўтган ҳафта охирида рўй берган қуролли ҳаракатларда икки юз киши ҳалок бўлган.

Мамлакатнинг шарқий қисми ҳукуматга қарши бўлган қуролли гуруҳлар назорати остида. Ҳукумат вакилларининг айтишича, улар қўшни Уганда ва Руандадан ёрдам олиб турибди. Шу боис зиддиятни бартараф этиб, барқарорлик ўрнатиш ҳозирча қийин кечмоқда.

Москвада яна ҳаво совиб кетди. Ўтган дам олиш кунида 20 киши совуқ уришидан касалхонага ётқизилган. Маълумотларга қараганда, ушбу қиш мавсумида шу вақтгача 341 киши турли вазиятларда совуқ уриши натижасида ҳалок бўлган.

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

БИЗ — КЕКСАЛАРНИНГ ЁШЛИГИ

УЛАР БИЗНИНГ КЕКСАЛИГИМИЗ...



Тўра командир бобонинг раҳматли бўлганига ўн беш йилдан ошди (Охирати нурга тўлсин).

Бобонинг ҳовлиси қишлоғим Мўминқул (Олтинсой тумани)нинг юқорисида, адабиёт муаллимим Жўра Қодирнинг боғига туташиб кетганди. Боғ деганда дов-дарахтлар ўсган жойни эмас, балки ток тўмори (танаси)дан ўсиб чиққан новдалари пуштага ўрмалаган узумзорни кўз олдингизга келтиринг.

Биз томонларда томорқадаги токлар пушта бўйлаб ўсади, ер бағирлайди.

Ҳар баҳорда одамлар ана шу пушталарни юмшатади.

Муаллимникига кўп борардим.

Бир куни муаллимнинг қўшниси Тўра командир бобо ўз боғини юмшатаётган экан. Ўқитувчим бир чойнак чой ҳамда яримта иссиқ нонни дастурхонга ўраб қўлимга тутди: «Бобога олиб бориб бер. Савоб бўлади».

Бордим. Оқ яктаги жиққа тер, саксондан ўтган бобо оппоқ соқолини селкиллатиб-селкиллатиб ер ағдараяпти. Жуда тетик. Шу ёшида оёғига кеда кийиб олган. Белкуракнинг қулоғига ҳар тепганда белкурак ерга кириб кетади, сўнгра абжирлик билан уни кўтаради-да, тупроқни гурсиллатиб-гурсиллатиб ағдаради.

Бобо қуюқ қошлари орасидан чақнаб турган ўткир нигоҳини менга қадади:

— Ке, болам, ке... — белкуракни пуштага қадаб, ўзи четдаги майсалар устига чўкди. — Чой оп келдингми? Барака топ. Чанқаб турувдим.

Бобо чойнакни товокдан олдида, ўзига чой қуйди. Чой дамини сезмагандай икки хўплам билан пиёлани тўнкарди.

— Хўш, энди гапдан ол, болам...

— Нимани гапирай, бово? Шу...

Кейин бирдан хаёлимга келган гапни соддалик билан айтдим-қўйдим!

— Бово, нимага ҳамма сизни Тўра командир босмачининг бошлиғи бўлган дейди. Сиз босмачи бўлганмисиз?

Ўшанда биз ўқувчиларга «босмачи» сўзи олабўжидай қўрқинчли эди. Босмачини ёмон кўрардик. Биз эмас, ўқитувчиларимиз, катталар — ҳамма ёмон кўрарди. Киноларни айтмайсизми?!

Бобо тунд, жиддий, бироз қаҳрли юзини бужмайтирди. Ерга қараб бошини силкитди:

— Неччида ўқийсан?

— Еттинчида.

— Уф... Чой учун раҳмат болам... Ҳалиги сўровингга келсак, бир замонлар келиб сен ҳам, малимларинг ҳам тушуниб оласиз. Элни оёқости қилганларни бу тупроқ узоқ кўтариб турмайди, болам... Қўй, ўтганларнинг руҳини чирқиратмайлик. Қўй, менинг гапимни гапириб юрма...

Табиийки, ҳеч бир маъно англамагандим. Шўро болаликдан миямизни заҳарлай бошлаганди.

Орадан йиллар ўтди. Талаба бўлдим. Истиқлол эпкинларига юртимнинг ҳақиқат эшиклари очилди, тарих кўзини кўмган қумлар кўкка совурилди, одамлар ботинидаги тугун ечилиб кетди. Афсус, бу кунларни Тўра командир бобо, халқ номуси учун курашган «шўро душмани» кўролмади...

Бобомиз кўрганда бир қувонар эди...

Агар шу кунларда, қариялар қадрланаётган чоғларда бобомиз тирик бўлганларида боши кўкка етарди.

Мен бобога айтардим:

— Бобо, сиз чин миллатпарварсиз. Бобо сиз излаган озодлик шу эмасми?! — дердим. — Бобо, айланайин бобомдан, элини қўриқлаган босмачи бўлмайди, бобо, — дердим.

Ҳеч бўлмаганда, бутун қишлоқ, бутун мамлакат уни эъзозлаётганини англарди.

Тўра бобога шу сўзларни айтолмаганим армон бўлиб қолди.

Майли, худо тирикларнинг, орамиздаги кексаларнинг умрини узоқ қилсин. Кексаларимизнинг юрагида ўкинч бўлмаслиги учун озод давлатимиз раҳбари бу йилимизни «Қарияларни қадрлаш йили» деб атади.

Биз кексаларимизни эъзозлаш орқали келажак авлодни тарбиялаяпмиз. Юртимизда меҳр-оқибат тушунчаси ҳар бир ёш-ялангнинг юрагига сингишига замин яратаяпмиз. Бундан ташқари, кексалик меҳрга муҳтожлик, самимиятга ташналик, илиқ гапнинг шайдоси эканлигини англаб бораяпмиз. Бир куни ҳаммамиз кексаямиз. Бошимиз болишга етади, суягимиз оғрилашади. Токчадаги бир пиёла чойни олиб ичиш учун мададга зориққанимизда ёнимизда невара ё чеварамиз чақмоқдай чарсиллаб хизматимизни қилиб турса, зориқтирмаса, бу дунёдан беармон ўтамиз. Бобомга ё отамга қилган яхшилигим фарзандимдан қайтади, деган ҳикматнинг изоҳи бўлган қанча ривоятлар бор.

Кексаларга иззат-ҳурмат тушунчаси фақат бизнинг мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Демак, халқнинг қон-қонига сингиган ўзлик нишонасига давлат томонидан аҳамият берилиб, дастурлар, аниқ-тиниқ режалар белгиланди.

Машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Оқ байроқлар» романи қаҳрамонларидан бири, агар ер юзида гўдаклар ва қариялар бўлмаганда эди, инсониятнинг жамики гуноҳлари учун осмон ерга қулаб тушарди, еру осмон қапишиб қоларди, деган фикрни айтади. Хуллас, гўдаклар ва қарияларнинг борлиги учун ҳам замин усти тозариб туракан-да, кексаликнинг ўзи гўдаклик, деб бежиз айтишмаскан-да, деган фикрга ҳам келасан, киши.

Кексаликка ширин сўз, эътибор, озгина меҳр бўлса бас. «Бобо, Момо, сиз бизга кераксиз! Ўлманг илоё, яшанг... Сизни яхши кўрамиз...» — десак кифоя. Уларнинг бир ёшига ўн ёш қўшилади... Қўли дуога чўзилиб, сўзидан эзгулик тушмайди. Эртага биз ҳам шулар каби кексаямиз, эъзоз топишимиз учун меҳримизнинг нури, қалбимизнинг тўри шуларники бўлиши керак.

Фарзанд отага қарамайдиган, ота болага «Ихтиёринг ўзингда...» дейдиган замондан худо асрасин.

Қарияларимизнинг бу йил кўнгли анча ўсганлиги, қадди тетиклашганини пайқаш қийин эмас. Кексаларнинг фаоллигини, уларнинг ёшларга хос шижоати, жамиятдан узилиб қолмаганлигини ҳис этиб меҳнат қилаётгани, тўй-томошаларимиздаги тетик-тетик хатти-ҳаракатларини кўриб, гоҳида: «Мен ёшман-ку, мен уларга нисбатан ўн чандон фаол бўлишим керак», — деган ўйларга ҳам борасиз...

Узоққа бормай ўз соҳамизда — адабиёт ва журналистикадаги фаол кекса адиб ва публицистларимизни кўз олдимизга келтирайлик. Оқсоқол адибларимиз Саид Аҳмад ва Одил Ёқубовнинг очерклари, Тўра Сулаймоннинг маънавиятимиз, миллий қадриятларимизга оид тинимсиз чиқишларидан кўнгил тоғдай юксалади. Журналист боболаримиз Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Исмоил Сулаймонов, Расул Раҳмон, заҳматкаш адабиётшунос олим Мажид Ҳасанийларнинг ҳамон бир оёғи таҳририятларда. Уларнинг теша тегмаган мавзуларни билимдонлик билан талқин қилиши ҳар қайсимиз учун сабоқ. «Халқ сўзи»ми, «Ўзбекистон овози»ми, «Маърифат», «Ҳуррият» ёки «Маҳалла» газеталарида шулар каби кекса адиб ва журналистларимизнинг ёрқин фикрларини ўқиймиз. Улардаги ишонч ва шижоатни бошқа соҳалардаги кексаларимиз дилида учқун отганини ҳам англаб турибсиз. Демак, жамият эъзозлаган кексалик, жамиятга ўз эҳтиромини баён қилиш асносида келажак авлодга залворли фикрлар, пойдевори мустаҳкам эзгулик иншоотларини қолдириши шубҳасиз...

Мақоланинг бошида мен Тўра командир бобони эслагандим. Бу бекорга эмас. Ўшанда мен, ўн тўрт ёшли болакайнинг хаёлини шўро жамияти тушовга солиб бўлган эди. Ўшанда жамият бошқача эди. Ғоялар ўзгача эди...

Бугун-чи бугун?! Ўзбек халқи ўз жони, қонига сингиган одамгарчилик, яхшилик сабоғи билан дунё кўз ўнгида ўзининг кейинги наслари, келаётган авлод тафаккурини чароғон этаяпти.

Иззатини билган халқ сифатида жаҳон саҳнасида бўй кўрсатаяпти. Шуларни ёзаётиб хаёлимдан фозил халқим айтган «Султон суягини хор қилмас», деган гап ўтади.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

СУВГА МУНОСАБАТ

ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИНТИЗОМИНИ КУЧАЙТИРИШ ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

сув омборларига, тўғонларга, сув олиш нуқталаридаги ўлчагичларга зарур бўлган замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган техника ва электрон ўскуналар ўрнатиш мўлжалланмоқда. Йирик сув иншоотларини компьютер, электрон алоқа воситалари, иш мебеллари билан таъминлаш режалаштирилаяпти.

Бир қатор туманларда экин майдонлари шўрланганлиги деҳқонларни ташвишга солиб келар эди. Кейинги икки йил мобайнида ерларнинг захини қочириш учун юзлаб километр узунликдаги зовур ва дренажлар тозаланди. Мавжуд техника ёрдамида янги зовурлар қазилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган майдонлар экинзорга айлантирилди. Вилоятимизни сув билан таъминлайдиган асосий каналлар бу йил лойқадан тозалаб чиқилди ва сув ўтказиш қобилияти яхшиланди.

— Нон каби азиз сувни янада қадрлаш, унга нисбатан кишиларнинг муносабатини ўзгартириш ва масъулиятини ошириш учун яна нималар қилиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Аввало сув ҳамда ундан самарали фойдаланиш хусусидаги қонунларга амал қилиниши даркор. Токи, ҳар бир киши сувнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўймасин. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланмаганлар эса жазога лойиқ эканлигини ҳис этсин. Шундагина сув тақчил бўлган йилларда ҳам қийинчиликларни енгиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасида 2001 йил якунлари ва 2002 йилдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган мажлисда Президентимиз ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўплаб вилоятларда, жумладан Сурхондарёда ҳам сувдан фойдаланиш коэффициенти тушиб кетганлигини куюниб гапирдилар. Очиғи, Юртбошимизнинг нутқларини тинглагандан сўнг сув муаммосини, унинг ҳаётимизда тутган ўрнини янада теранроқ англадим ва ўз ишимизни танқидий назар билан қараб чиқдим. Ҳали бу соҳада жуда кўп тер тўкиш лозимлигини тушундим.

Айни пайтда сув омборларимизда бултургига қараганда кўпроқ сув тўпланди. Демак, вилоятимизда деҳқончилик қилиш учун обиҳаёт етарли бўлади. Эндиги вазифа унинг ҳар қатрасидан тежабтергаб фойдаланиш, кишиларда жавобгарлик ва масъулият ҳиссини янада оширишдан иборатдир.

■ **Суҳбатни Жовли ХУШБОҚОВ ёзиб олди**

«Солиҳ» фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Ҳайитов (ўртада) ишчи-хизматчилар даврасида.

«Турон — 97» сутни қайта ишлаш заводининг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехида.



Сутни соғиб олиш компьютерлашган аппаратлар ёрдамида амалга оширилади.

120 МИЛЛИОН СЎМ

ДАРОМАД ОЛИШ «СОЛИҲ» НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИНИНГ БУ ЙИЛГИ ЭЗГУ МАҚСАДИДИР

Ватан — ота-боболаримиз маскани. Унга садоқатли, фидойи ўғлон бўлиш эса ҳақиқий шараф. Олимжоннинг хаёлида ана шундай ўйлар. Мустақил юрт ривожига қандай ҳисса қўшишим мумкин? Ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳанинг ҳам ўзига яраша ташвишу муаммолари бор. Кишидан эпчиллик, уддабуронлик, ғайрат-шижоат талаб этилиши аниқ.

У аввалига иккиланди, кейин «кўз қўрқоқ, қўл ботир», дея ишга киришди. 1994 йил Қибрайдаги «Турон» ширкат хўжалиги ҳудудида 30 бош қорамол билан иш бошлади. Хўжалиги «Солиҳ» наслчилик фермери номини олди.

Хўжалик ташкил қилингандан буён қорамолларни бўрдоқига боқиб, гўшт ва сут етиштиради. Уч-тўрт йилдан бери яхшигина фойда кўраяпти.

Озуқа ўзида етиштирилади. 45 гектар майдон озуқа экинларига ажратилган. Ҳар йили ёзда 1000 тонна донли сенаж, 120 тонна беда, 40 тонна сомон, 160 тонна шелухашрот, 25 тонна кепак жамғарилади.

Ҳозир фермада 182 бош қорамол зооветеринария қоидалари асосида боқилмоқда. 100 бош сигирдан 84 та бузоқ олиш кўзда тутилган.

— Мол тирик жон: касалланса, бузоқ соғлом бўлмайди, — дейди хўжалик раҳбари Олимжон Ҳайитов. — Шу боис, 24 соатлик навбатчилик ташкил қилинган. Ҳар бош сигирдан йилига 3100 литрдан зиёд сут соғиб олинаётир. 18-20 тонна миқдорида гўшт тайёрлаяпмиз.

Хўжаликдаги саранжомсаришталик, тартиб-интизом, ишчиларга муносабат ибратли. Бу ерда худди Голландия ёки Исроилда бўлганидек, тирик вазни 600 килограммдан 1000 килограммгача бўлган қорамоллар тартиб билан жойлаштирилган. Табақалаб боқиш, рационга риоя қилиш назоратда.

Молхона ва озуқа цехлари зарур жиҳоз, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Сут соғиш компьютерлашган аппаратлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Шу боис маҳсулот кўпайиб, соф даромад ортиб бормоқда, чорвачилик фойдали тармоққа айланган.

Яна бир ибратли иш: бу ерда Ўзбекистон — АҚШ — Исроил қўшма лойиҳалари асосида «Турон-97» сутни қайта ишлаш заводи фаолият кўрсатмоқда. Дўконларда «Солиҳ» тамғаси туширилган маҳсулотларни кўрасиз. Пойтахтдаги бир қатор супермаркетлар, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси қадоқланган сут, пишлоқ, қаймоқ каби маҳсулотларга харидор бўляпти. Корхона кунига 3 тонна сутни қайта ишлаб, 9 хилда сут маҳсулотлари тайёрламоқда.

Ўтган йили Исроилдан келтирилган зотдор буқалар ҳисобига сунъий урчитиш усули кенг қўлланилди ва 12 бош бузоқ олинди. Зотдор бузоқлар алоҳида назоратда. Мақсад — «Ўзбекистон говмиши» зотини яратиш.

Жорий йилда францияликишбилармонлар билан ҳамкорликда маҳаллий шароитда кўп сут берадиган эчки зотини кўпайтириб, французча пишлоқ ишлаб чиқариш мўлжалланган.

«Солиҳ» наслчилик фермер хўжалиги 1994 йилда 480 минг сўм даромад олган бўлса, бултур бу миқдор 80 миллионни ташкил қилди. Бу йил эса 120 миллион сўм даромад олиш кўзланган. Ишлаб топилган даромад эса эзгу ишларга сарфланмоқда.

Хуллас, жамоанинг ошиғи олчи. Бинобарин, қишлоқ туманлари ҳокимлари, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари иштирокидаги семинар-кенгашнинг айнан шу хўжаликда ўтгани ҳам бежиз эмас.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУЛОҲАЗА

ТАРТИБЛИ ТЎЙГА НИМА ЕТСИН!

Негадир бу борада Хоразмда аниқ тўхтамга келинганича йўқ

Ҳеч бир жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди, албатта. Одамларни кўпинча жоҳиллик, худбинлик ва ғараз шу кўчага етаклайди. Афсуски, оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган яна бир ҳолат — бу ичкиликбозликдир. Ушбу иллат туфайли не-не йигитлар умри хазон бўлган. Айрим жойлардаги тўйларда ҳаддан ташқари дабдабабозлик, ичкиликбозлик оқибатида хунук воқеалар, жиноятлар юз бермоқда. Янгибозорда ўтган тўйлардан бири ичкиликбозлик сабабли жиноятга уланиб кетди. Қиз узатаётган хонадондан кайфи баланд бўлиб чиққан уч йигит орасида гап қочиб, оқибати қотиллик билан тугади.

Тўғри, ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан жиноятчилар қўлга олинди.

Ўшандан кейин аҳмоқдан ақл ўрган маъносида барча қишлоқларда нохуш воқеа муҳокама қилиниб, мунозара бошланган. Маҳалла оқсоқолларининг хулоса ва тавсияси билан бахт тўйлари фақат кундузлари ўтказиладиган бўлди.

Аммо ҳануз бахт тўйи қоронғи тушиши билан бошланиб, тонг отар давом эттириш ҳоллари мавжуд. Хоразмда бахт тўйлари ортиқча дабдабага айланиб бораётгани ҳақида ҳам кўп гапириляпти. Ёшлар ўйнабяйраса, тинчгина тарқалишса майлийди-я. Лекин улар ичкилик ичиб «бошвоқсиз» бўладилар, қўядилар. Қани энди уларни тўхтатиб бўлса...

Айрим жойларда тўйтўйдек бўлсин деб, спиртли ичимликлар дастурхонга тортилмайди. Шуниси ачинарлики, бу тадбирни бузадиганлар бор: тўй бўлишидан дарҳол «ис» оладиган олғирлар пул ишлаш пайида парвона бўлиб қолишади. Бундайлар илгари сақич, писта, ширинлик сотишган бўлишса, энди нафслари ҳакалак отиб, ичкиликлар сотишга ружу қўйишган. Уларни тартибга чақириш эса негадир ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Ваҳоланки, юртда тўйларни тартибли, ортиқча ҳашам, дабдабасиз ўтказиш борасида Президент Фармони эълон қилинган. Албатта, бу Фармон ижроси юзасидан бир қатор ишлар қилинди, тўйларни тартибга солиш маҳаллий ҳокимликлар томонидан назоратга олинди. Аммо ҳамма жойда ҳам бардавомлик, изчиллик кўзга ташланмаяпти.

Айтайлик, «қизлар базми» ихчамгина ўтказилиши лозим. Ихчам давра — ортиқча ҳашамсиз, чиқимсиз албатта. Афсуски, бундай базмнинг катта тўйдан фарқи йўқдек. Кўчада, катта давра, дастурхон. Хонандалар тор ушлаган. Кошки, фақатгина хотин-қизлар бўлса. Йигитлар, ҳатто куёв тўра ҳам ҳозиру нозир. Базмнинг уч-тўрт соат давом этиши-чи? Харажатни куёв томон кўтаргач, буёғи нима бўпти, дейсизми? Гап шундаки, қизлар даврасида йигитлик ғурури жўшиб кетаётган баъзи ёшларнинг жўжахўроздек пат юлишлари нохушликларга сабаб бўляпти.

Фармондан сўнг «куёв-келин эскорти»ни тартибга солиш борасида бироз ишлар қилинди. Ўша вақтда кузатув машиналари сони тўрт-бештадан ошмаслиги белгиланди. Ҳозир эса ҳаммаси унутилган. Энди катта йўлни тўлдириб кетаётган йигирма-ўттиз чоғлиқ машиналар карвонидан ёқа ушлайсиз. Тартибсиз ҳайдаш, машина ойнасидан йигитларнинг ён машинадаги қизларга гул узатишлари... Нафақат йигитлар, ҳатто ҳайдовчиларнинг ҳам ичиб олгани инобатга олинса, бемаза кўриниш юзага келаётгани ойдинлашади. Бундай тартибсизликлар оқибати ўлароқ «фалон тўйда машина авария бўпти» деган гап тарқалади.

... Ўтган йил ёзда Боғотдаги Қораянтоқ қишлоғидаги тўйда ёш-яланглар муштлашувида бир йигитча ҳаёт билан видолашди. Шундан сўнг кундузи тўй ўтказишга қарор қилишди. Ҳозирча тўйлар белгиланган вақтда, тартибли ўтмоқда. Тўй эгалари ҳам тинч.

... Бошқа қишлоқлардачи? Эски ҳаммом, эски тос. Тавба, наҳотки қишлоқ ёшуллилари «бирор бахтсизлик»дан кейингина чора белгилашни кутишаётган бўлишса?!

Яқинда Қўшкўпир туманидаги танишимнинг тўйига бордик. Тўй кундузи ўтди. Тинч, осойишта. Ичган, ичмаган кўпчиликнинг нигоҳида. Муштлашув йўқ. Уй эгалари хурсанд, оқсоқоллар мамнун. Муҳими, кам чиқим.

... Бир даврада кўпни кўрган танишимиз айтган фикрда ҳақиқат бордек. Юртбошимиз чиқараётган ҳар бир Фармон халқни, бизни ўйлаб, эртанги кунимизни ўйлаб чиқарилмоқда. Ҳамма нарсада тартиб бўлгани қандай яхши. Аммо маҳаллий раҳбарлар тарки одат амримаҳол деганларидек, янгича фикрламай иш услубини ўзгартиролмаяптилар.

Ҳа, ҳар қандай тартибсизликка маҳаллий раҳбарлар масъул. Ўйлайманки, ҳар бир раҳбар тартибсизлик, қонунга зид дабдаба-ю тўйлар тўрида ўтирмай одамларни инсофга, шукроналикка ва хушёрликка даъват этишса, айни муддао бўларди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЖУРНАЛИСТ САФАРДАН ҚАЙТДИ



АФҒОНИСТОН:

ЖАРОҲАТЛАР, ИЗТИРОБЛАР ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

ИККИНЧИ МАҚОЛА



Ҳаммаси 14-15 ёшли ўсмирлар. Бўйи ҳам, ранги ҳам бир хил. Улар турли миллат вакиллари, дунёнинг турли жойларидан. «Кўр кўрни қоронғуда топибди», — деган нақл бор. Улар қандай топишган? Қандай куч уларни бирлаштирган? Ҳаётида маъно-мазмун йўқ. Аксарияти ўқиш-ёзишни билмайди. Кўзлари очиғу бу дунёни кўришдан маҳрум.

Билганлари шу: «Жиҳод қилиб келдук, уруш қилиб келдук, шу йўлда ўлсак ўламиз — энг олий орзумиз шу эрур. Жаннатий бўлурмиз, жаннатга тушурмиз. Бу дунё — ўткунчи. Бизга — охирот ғами муҳим, биз охиротимизни ўйлаймиз...»

Ҳа, 14-15 ёшли, чоллардек соқол ўстирган болалар. Мияси заҳарланган, ҳаётдан умидини узган ўсмирлар...

Уларга қараб юрак увишади, ачинасан.

— Шунча йиллик урушлар ичида яшаб, одам боласининг онги ҳам бу қадар заҳарланиши мумкинлигини хаёлимга келтирмаган эканман, — дейди Шибирғон шаҳридаги қамоқхона бошлиғи, генерал Жўрабек Мурод ўғли. — Бу ўсмирларнинг бари ўлимни бўйнига олишган. Имкон топилди дегунча ўзлари билан қўшиб бошқаларни ҳам портлатиб юборишга шай. Бундайларга панду насиҳат бир чақа. Урушда қўйнига гранаталарни боғлаб бегуноҳ одамлар ичига ўзларини урганча нечови портлаб кетишди. Ёки ёниб турган оловга «Оллоҳу акбар». дея ўзларини отишди.

— «Ал-Қаида» ва толибон ҳаракатининг аъзолари бўлган маҳбуслардан бу ерда қанча сақланмоқда? — сўрайман қамоқхона бошлиғидан. Генерал бир зум ҳам ўйланмай жавоб беради.

— Бариси 3280 нафар. 1200 нафардан зиёди Покистондан. Маҳбуслар ичида Хитой, Эрон, Чеченистондан келганлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳаммаси ўша давлатлардаги экстремистик гуруҳлар тайёрланадиган ҳарбий базаларда бўлишган. Бариси гўё роботсимон одамларга айланишган. На оиласи, на бола-чақаси, на эртанги кундан умиди бор буларнинг.

Маҳбусларнинг баъзилари билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Эътироз билдирилмади.

— Исмим Абдулвори, — деди ёши 18 да бўлган ориқ йигит. — Асли Қобулдан бўламан. Толиблар билан 4 йил бирга эдим.

— Хўш, толибларга қўшилиб нимани ўргандинг?

— Отишни.

— Яна нимани?

— Муллалардан сабоқ ўргандук...

— Қандай сабоқ?

— ...

— Қуръони Карим, Ҳадисни ўқиганмисан?

— Йўқ, бизга бошқача таълим беришган...

— Хўш, толибларга қўшилишга дастлаб ким даъват этди сизларни?

— Ўзим ғариб хонадондан эдим. Иш йўқ эди. Қишлоқдаги оқсоқолларимиз бизни юборишди.

— Одам ўлдирдингми?

— Ҳа, кўп отдим...

— Мен Покистондан келганман, — дейди соқоллари беўхшов ўсган 30 ёшли Мақсуд, — икки ойдан буён ҳибсдаман. Кундузда 5 йил ҳарбийча ўқиганман. Жиҳод йўлида ўлишга ҳам тайёр эдим...

— Жиҳод? Ўзи ана шу сўзнинг маъноси нима?

— ...

Йўлдан озган, фикри бузуқ, онгини турли заҳарли оқимларнинг маккор «ғоя»лари эгаллаган бу одамларга қараб беихтиёр ўтган йилларда ўзимиздаги айрим ёшларнинг ҳам ана шундай ёт ғояларга, оқимларга қўшилиб қолганини, ўз элига қарши қурол кўтарганлар пайдо бўлганини ўйладим. Ахир, 16 февраль воқеаларини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ. Ҳайриятки, ваҳ-ҳобийлик ва «ҳизбут-таҳрир» каби дин ниқобидаги оқимларнинг илдизига Ўзбекистонда болта урилди.

— Қамоқда ёши бир жойга бориб қолган 70-80 ёшли чоллар ҳам кўп, — дейди Шибирғон шаҳар миллий хавфсизлик хизмати бошлиғининг ўринбосари, генерал Файзулло. — Улар ҳам ўзларича «жиҳод» эълон қилишган. Энг ачинарлиси, толиблар Қандаҳорда беш ёшдан саккиз ёшгача бўлган минглаб ёшларни ўғирлаб, «тарбиялаш» учун махсус лагерлар ташкил этишган экан. Мамлакатда урушда ота-онасидан, яқинларидан айрилган, қаровсиз қолган болалар қанчадан-қанча дейсиз?! Бу ҳолат толиблар учун айни муддао бўлиб, ёш гўдакларнинг онгини ўзлари истаганча заҳарлашлари мумкин эди. Демак, ана шундай болалар 14-15 ёшга етгач, «пишиб етилади». Уларга «буйруқ» бўлса бас, нима дейилса шуни бажараверади. Мутлақо тескари талқин қилинувчи фикрлар гўдаклар бошига қўрғошиндай қуйилади.

Афғонистонга сафар давомида мени ларзага солган энг мудҳиш нарса ана шулар бўлди. Негаки, вайрон бўлган биноларни қайта тиклаш мумкин, бузилган йўлларни бошқатдан таъмирласа бўлади. Лек заҳарланган мия, бузилган тафаккур ва онгни ўзгартириш осон эмас.

Биз эшитган воқеалар ва жабру зулм туфайли дили вайрон бўлган афғонистонликларнинг қуйидаги ҳикоялари ҳам буни исбот этади.

Асли покистонлик бўлган мулло Додулло деганларини Мозори Шарифда ҳам, Кобулда-ю, Фарёбда ҳам халқ даҳшат ичра эслайди. Бу одам ўзининг ваҳшийлиги, берахмлиги ва золимлиги билан бутун Афғонистон ичра «қутурган» номини қолдирган. Маймана шаҳрида 1 миллиондан кўпроқ одам яшайди. Бу шаҳар Фарёб вилоятининг марказидир. Вилоят аҳолиси 2-2,5 миллион киши.

Мулло Додулло деганлари ана шу вилоятда минглаб одамларни ўлдиради. Аҳоли уни бесўнақай гавдаси, шафқатсизлиги, ваҳшийлиги боис Ланги-Додулло деб атаган.

Урушларда оёқларидан айрилган, на оиласи, на бола-чақаси бўлган бу кимса кўзига кўринган кишини кўчаларда итдай отиб ташлайверади.

Ўтган йили қишда мулло Додулло Майманада бир кечанинг ўзида минг кишини қатл этади.

Кўзлари қонга тўлган бу касофат чўққилари осмонларга туташ Шодиён тоғ тизмалари орқали Кобулга ўта туриб, Хинжон туманида қўлларини янада кўпроқ қонга ботиради. У тоғ қишлоқларида юрган бир тўп 15-14 ёшдаги ўсмирларни «Нега соқол-мўйлов қўймагансанлар?» дея бўғизлайди. Сўнгра улар танасини қиличдан ўтказиб майдалайди-да, жарликларга улоқтиради...

Бундай ваҳшийликларни одам боласи қилиши мумкинлигига сира ишонгинг келмайди.

Толибларнинг раҳбари мулло Умарнинг ўринбосари мулло Фозил Қандаҳорда, Самонгон ва Боғлон вилоятларида юзлаб мазлумларнинг уй-жойига ўт қўйдиради. Тарихий, маданий гўшаларни харобага айлантиради. Боғлон вилоятида мулло Башир деганлари олам яралгандан буён ҳеч қайси манфур қилмаган ишларга қўл урган. У юзлаб болаларни бичиб, азоблайди. Қиз болаларнинг мактабга қатнашини таъқиқлашгина эмас, балки улар учун махсус касалхоналарни ҳам ёпган.

... Айтишларича, кечмиш 20 йилдан ортиқ урушлар давомида Афғонистонда 2,5-3 миллиондан ошиқ одам ҳалок бўлди.

Мамлакатда ҳозир қанча аҳоли бор — ҳеч ким аниқ айтолмайди. Аммо шу нарса аниққи, уруш туфайли юртдан чиқиб кетган миллионлаб одамлар ватанларига қайтишмоқда.



Сафаримизнинг учинчи куни. Мозори Шарифда эрталабдан қор ёға бошлади. Бу шаҳар чиндан катта, қадимий, шарқона ва ўзига хос. Айни пайтда кўча-кўйларда қуролли кишилар кўзга ташланиб турса-да, шаҳар тинч ва осойишта. Кўчаларда транспортлар қатнови кўп.

Биз Ўзбекистон телевидениесининг мухбири Жўрақул Турсунов ва тасвирчи Абдулло Жумааҳмедовлар билан биргаликда бу ердаги диққатга молик зиёратгоҳлардан бири «Равзаи Шариф» номи билан машҳур мақбара — катта тарихий-меъморий ансамблни эрта тонгда зиёрат этдик.

Зиёратгоҳ остонасида унинг тарихи ҳақида қуйидагиларни айтишди.

Ҳазрат Али шаҳид бўлганларида аввало у кишининг жасадини Термизда дафн этишган бўлиб, кейинчалик эса Марв орқали ул зот ҳоки муборакларини Мозори Шарифга келтирилиб қўйилади. Мақбара ўрнида дастлаб кўримсизгина сағана бўлган экан. Маълумотларга кўра, султон Ҳусайн Бойқаро мазкур мақбарани тиклаб, таъмирлашга кўп маблағ сарф этган. Уни таъмирлашда ҳатто Алишер Навоий ҳам иштирок этади. Мақбаранинг ёнидаги масжид кейинчалик қурилади.

...Мақбарадан чиқиб, ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу ерни минглаб оқ каптарлар макон айлабди. Уларнинг кўплигини кўриб, ҳеч ким бу жойларда уруш бўлган деб ўйламайди.

✧✧✧

Йўллар... Анча хароб ва ифлос кўчаларда на чироқлар, на ҳаракатланиш белгиларини учратасиз. Катта кўчаларнинг айрим чорраҳаларида йўл назоратчилари бор. Уларнинг бирор машинани тўхтатиб, тартибга чақирганини кўрмайсиз. Мозори Шариф ва Шибирғон шаҳарлари Ўрта аср Шарқини ёдга солади. Бозорлар, дўкону расталар турли маҳсулотларга тўла. Аҳолининг аксарият қисмида пул йўқ бўлса-да, бу шаҳарлардаги серобчиликни кўриб ҳайратланмай илож йўқ.

Оқча шаҳрида (Балх вилояти) асосан ҳунармандлар яшар экан. Бу ердаги одамларнинг қўли гул бўлиб, улар тўқиган гиламлар чиройли ва пишиқки, бундай гиламларни тўқиш учун афғон аёллари йиллаб меҳнат қилар экан.

Бозорларда ҳунармандчилик ашёларининг юзлаб тури — кетмону ўроғдан тортиб от аравагача бор.

Баққолларнинг кичик-кичик дўконларида ўзбек атласини кўриб кўзларимиз яшнаб кетди. Дилимиз фахр-ифтихорга тўлди.

— Ўзбек атласининг бу ерда харидорлари кўп, — дейди дўкондор Ғулом Муҳаммад, — бизнинг дилимизда кечган туйғуларни англагандек. — Ўзбекистон ҳукуматининг мардумларимизга кўрсатаётган кўмаклари ҳақида кўп эшитаяпмиз. Мингдан-минг раҳмат мамлакатингиз президенти Ислом Каримовга. Шундай юрт эгаси бор сизларда, ҳамма ҳавас қилади, тан беради. Мана бизда барқ (электр токи) мунтазам бўлмайди. Эшитдикки, бизга Ўзбекистон ёрдам берар экан. Демак, ўзбек барқи хонадонларимизни ёритади. Чин кўнгилдан биз ҳам ўзбек диёрига янада ривож тилаймиз.

...Афғонистонликларнинг шундай ёруғ тилаклари, фикрларини бу ерда ҳар қадамда эшитиш мумкин.

Биз сафаримиз давомида Афғонистон ташқи ишлар вазирлигининг шимолий вилоятлар бўйича вакили Сайид Нуруллохон билан суҳбатлашдик У киши мамлакатда энг биринчи амалга оширилиши шарт бўлган вазифалар нималардан иборат, деган саволимизга қуйидагича жавоб қайтарди:

— Ҳозирга келиб Афғонистонда бир қанча давлатларнинг ваколатхоналари очилди. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳукуматининг ваколатхонаси Мозори Шарифда иш бошлади. Бу эса дунё мамлакатлари билан тенг ҳамкорликда алоқалар ўрнатиш имконини беради. Толиблар даврида давлатимиз ташқи дунёдан узилиб қолган эди.

Аммо, энг муҳим вазифа ҳозир мамлакатимизда ягона давлат мудофаа тизимини яратиш. Икки-учга бўлинган мудофаа билан бир мамлакатни идора қилиб бўлмайди. Ана шундай масалалардан яна бири — бу иқтисодни кўтариш. Чунки аҳолининг аксарият қисми қашшоқ. Урушлар оқибатида мардумлар бор-йўғидан ажралган. Пулимиз ниҳоятда қадрсизланган. Шу сабаб 2-3 ой ичида Муваққат ҳукумат орқали янги пул масаласи кўриб чиқилади. Кейинги масала — қурол-яроғ. Бизда ҳамманинг қўлида қурол бор. Буни йиғиб олиш зарур. Хуллас, ечимини кутаётган ишлар кўп. Тинчлик бўлиб турса, буларнинг барини бажарса бўлади.

Ҳақ гап. Кўнглимиздан юртимиздаги тинч-тотув яшашнинг қадрига ҳамма вақт етиш керак, деган фикр ўтади. Тинч ҳаётнинг ўзи энг катта бойлик деганлари нақадар тўғри.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Термиз — Мозори Шариф — Шибирғон — Термиз.

ВАЗИРЛАР КАШАНДАЛИК ТЎҒРИСИДА

Европада ҳар йили 1 миллион 200 мингдан ошиқроқ киши кашандалик оқибатида ҳаётдан эрта кўз юммоқда. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, агар бу ҳолат шундай давом этаверса, яқин 20 йилда Европа аҳолиси 20 фоизининг умри хазон бўлишига айнан сигарета сабаб бўлар экан.

Бу маълумотлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан Польшада ўз ишини бошлаган халқаро форумда айтиб ўтилди. Унда 50 дан ортиқ мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш вазирлари кашандаликнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган сўнгги лойиҳалар устида музокаралар олиб боришмоқда. Шунингдек, форум қатнашчилари сигарета рекламаларига янада қаттиқроқ чекловлар қўйиш таклифини илгари суришмоқда. Яна бир гап. Анжуманда охирги пайтларда кашандалик дардига чалинганлар орасида, айниқса, аёллар ҳамда балоғатга етмаган ёшлар кўпроқ учраётганлиги афсус билан таъкидлаб ўтилди.

ОЛИЙ КОМИССАР ТАШРИФ БУЮРАДИ

7 март куни Афғонистонга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мэри Робинсоннинг ташриф буюриши кутилмоқда. Уч кунга мўлжалланаётган ушбу ташрифда мамлакатнинг ўтиш даври ҳукумати раҳбарлари билан мулоқот олиб борилади. Шунингдек, М.Робинсон бу ерда сақланаётган асирларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишади.

НАРХЛАР ОШИРИЛДИ

Россияда шу ҳафтадан бошлаб табиий газ ва юк ташиш нархлари бўйича янги тарифлар жорий қилинди. Ҳукуматнинг 24 январдаги қарорига кўра, табиий газ нархи 20 фоизга, юк ташиш харажатлари 16 фоизга



оширилди. Шунингдек, 1 мартдан бошлаб электр энергия нархи ҳам 20 фоизга кўтарилади. Дастлаб Энергетика вазирлиги табиий газ ҳамда электр энергия нархини 35 фоизга ошириш таклифи билан чиққан эди. Аммо ҳукумат бу таклифни қўллаб-қувватламади.

«ОЛТИН АЙИҚ» СОҲИБЛАРИ

Берлинда 52 - Халқаро кинофестиваль якунланди. «Берлинале» номи остида ўтказилган ушбу фестивалда

саксондан ортиқ кинематографчиларнинг сара асарлари танловга қўйилди. Бош соврин — «Олтин айиқ» Британия ҳамда ирландиялик ижодкорлар маҳсули бўлган «Қонли якшанба» фильми учун Пол Гринграсга ҳамда япон мультипликатори Хайо Мияцакига берилди.

МОЛИЯВИЙ ИҚЛИМ

ЕВРО — УМУМИЙ БОЗОР ТОМОН ҚАДАМ

2002 йилда Европа халқлари ҳаёти катта янгилик билан бошланди. Европа Иттифоқи деб аталган ҳамжамиятнинг 12 нафар аъзо давлати ҳудудида ягона пул бирлиги — евро муомалага киритилди. Евронинг нақд пул бирлиги сифатида истеъмолга киритилишини яхлит ҳудудий ички бозорни шакллантиришга қаратилган евро интеграциясининг якунловчи босқичи сифатида эътироф этиш мумкин. Маълумки, 1957 йил 25 мартда Франция, Италия, Германия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург давлатлари ўртасида имзоланган Рим шартномаси Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил этган эди. Шартнома ягона божхона тизимини барпо этиб, ҳамжамият ҳудудида маҳсулотларнинг (товарларнинг) чегаралар бўйлаб эркин ҳаракатланиши учун имкон яратган эди.

1986 йил февралда қабул қилинган Ягона Европа Ҳужжати эса ҳамжамият ҳудудида фуқаролар, хизмат кўрсатиш тизимлари ва сармоянинг (капиталнинг) ҳам эркин ҳаракатланишини кафолатлади. Ягона иқтисодий ҳудудни ягона пул бирлиги билан мустаҳкамлаш ғояси ҳам 70-йилларда ўртага ташланган бўлиб, бу соҳада бир қатор тадбирлар кўрилган эди. Жумладан, 1971 йил таклиф қилинган Вернер режаси асосида Европа валюта тизими (SME) ташкил этилиб, унинг доирасида қабул қилинган шартли пул бирлиги ЭКЮ (ECU — european currency unit) 1979 йилдан давлатлараро ҳисобкитоб ва тўлов воситаси сифатида ишлатила бошланди.

1992 йил Италия ва Буюк Британия ЭКЮ тизимидан чиққач, иқтисодий интеграция талабларига тўла жавоб бера оладиган ягона пул бирлигига талаб янада яққолроқ кўзга ташлангандай бўлди. 1988 йил февралда Германия ташқи ишлар вазири Ханс-Дитрих Гансхер томонидан ёзилган «Ягона Европа валюта зонаси ва ягона Марказий Европа Банки ташкил этиш тўғрисида»ги меморандум кенг жамоатчилик ичида катта қизиқиш уйғотди ва ягона валюта сиёсатини ишлаб чиқиш учун сезиларли туртки бўлди. 1988 йил Европа Иттифоқининг Ганновер Кенгаши Европа Комиссияси раиси Ж. Делорга ягона Иқтисодий ва Валюта Иттифоқини ташкил этишнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиш вазифасини топширди. Делор ҳисоботи асосида 1989 йил июндаги Мадрид Кенгаши ягона пул бирлигига ўтишнинг биринчи босқичини 1990 йил 1 июлдан деб белгилади. Шу тариқа 1990 йил июнда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг Дублин Кенгаши янги молиявий муассаса (институт) — Иқтисодий ва Валюта Иттифоқини ташкил этди.

1992 йил 7 февралда имзоланган Европа Иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномаси ягона пул бирлигига ўтишнинг асосий босқичларини белгилаб берди. Унга кўра биринчи босқич 1990-94 йилларни ўз ичига олиб, умумий тайёргарлик тадбирлари билан чекланган эди. 1994-1999 йиллардаги иккинчи босқичнинг асосий вазифалари валюта иттифоқи талабларига жавоб бера оладиган давлатларни саралаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, бюджет камомадини бартараф этиш, банклараро фойда фоизлари даражаларини мувофиқлаштириш кабилардан иборат бўлди.

Камида етти нафар аъзо давлат мазкур талабларни бажарган ҳолатда учинчи босқичга ўтиш режалаштирилганлиги боис, мазкур босқич 1999 йил 1 январдан бошланди. Айнан шу санадан эътиборан Маастрихт шартномасида кўзда тутилган Европа марказий банки тизими (SEBS) ва Марказий Европа банки ўз фаолиятини бошлади. 1998 йил 2 май Европа Кенгаши 11 нафар аъзо давлат(Британия, Дания, Швеция, Грециядан ташқари)ни евро зонасига киришга тайёр, деб баҳолади. 2000 йил 19 июнда Греция ҳам евроҳудудга қабул қилинди. 1999 йил 1 январь — 2000 йил 31 декабрь еврога ўтишнинг оралиқ даври деб белгиланди ва мазкур даврда евро миллий валюталар билан бирга тенг мақомга эга бўлди.

Евро ҳудудидан ташқарида қолаётган Буюк Британия, Дания, Швецияга келсак, Данияда 1992 ва 2000 йил сентябрда ўтказилган халқ референдуми евро зонасига киришни рад этди. Швеция 1997 йил ягона валюта иттифоқини бутунлай рад этмаган ҳолда, евронинг нақд пул бирлиги сифатида муомалага киритишни 2005 йилгача кечиктиришга қарор қилди. Буюк Британиянинг 51 фоиз аҳолиси еврога ишончсизлик билдирган ҳолда, ҳукумат раҳбари Т.Блэр мамлакатни евроҳудудга қўшилишга астойдил ундамоқда. Европа Иттифоқига қабул қилинаётган аъзоликка номзод давлатлар учун евронинг пул бирлиги сифатида қабул қилиш мажбурий характер касб этмоқда. Маълумки, бундай мажбурият Копенгаген ва Люксембург талаблари ичида кўрсатиб ўтилмаган эди.

Евронинг муомалага киритилиши, албатта, ҳамжамият давлатларининг иқтисодий салоҳиятларини ошириб юборади. Айниқса, миллий валюталарни алмаштириш қимматга тушаётган қўшма корхоналар учун бу фойдадан ҳоли эмас. Жаҳон савдо айланмасида 20,2 фоиз экспорт ва 18 фоиз импорт кўрсаткич билан пешқадамлик қилаётган Европа Иттифоқи иқтисодининг янги тараққиёт палласи кутилмоқда. Лекин евронинг амалга киритилиши арафасида пул қадрсизланишининг турли даражаси ва капитал қўйилмалар фойда фоизларининг хилма-хиллиги ҳамон сақланиб қолиши бир қатор ташвишлар туғдирмоқда. Охирги ойларда Бельгия, Люксембург, Ирландияда пул қадрсизланиши 3,7 фоиздан 1,8 фоизга камайган ҳолда, Нидерландия ва Португалияда 2,9 фоиздан 4,1 фоизга ошди.

Бироқ энг асосий муаммо бунда эмас. Жак Делор айтганидек, асосий муаммо «ягона пул бирлиги — евро мавжуд, лекин ягона иқтисодий ҳукумат, ягона бюджет ва солиқ сиёсатини мувофиқлаштирувчи ягона мурват ҳали мавжуд эмас».

Шунингдек, евронинг нақд муомалага кириши фақат иқтисодий оқибатлар билан чекланмайди. Энг муҳим сиёсий оқибатлардан бири давлатларнинг пул зарб этиш ва миллий пул сиёсатини ўтказиш ваколати ташкилот зиммасига ўтиши баробарида давлатлар суверенитетининг яна бир атрибутидан маҳрум бўлмоқдалар.

«Евро — Европа интеграциясининг сиёсий рамзидир. Чегаралар бекор қилингандан бери (1986 йилги Шенген шартномасидан сўнг) европаликлар биринчи марта умумий тақдирнинг қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган рамзига эга бўлдилар» — дейди Бельгия молия вазири Дидие Рейндер.

Валюта ва иқтисодий ишлар бўйича Европа Иттифоқи комиссари Педро Солбес эса унинг ижтимоий-маънавий аҳамиятини шундай баҳолайди: «Ягона пул бирлиги — еврони қабул қилиш европача ўзликни англашнинг таркибий қисмидир».

Дарҳақиқат, европача ўзликни англаш узоқ асрлар оша халқларнинг фақат орзуси бўлиб келмоқда. Иккала жаҳон уруши ҳам айнан Европа марказида бўлиб ўтганини эсласак, бирлашиш ғояси миллатчи ҳиссиётларнинг қурбони бўлганининг гувоҳи бўламиз. Орадан ярим аср вақт ўтгач, бугунга келиб эса интеграция кўлами евро қитъасидан ташқарида ҳам томир ота бошлади: 1999 йил 10-11 декабрда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг Хельсинки Кенгаши Туркияни ҳам аъзоликка номзод этиб қабул қилди. Бу билан европача ўзликни англашдан евроосиё миқёсида ўзликни англаш томон қадам ташланган бўлса ажаб эмас. Интеграция эса миллий, ҳудудий, диний мансублик чегараларини тобора ортда қолдирмоқда. Зотан, интеграциядан кўзланган мақсад Европа ҳамжамиятининг асосчиси Ж.Моне айтганидек «давлатларни эмас, инсонларни бирлаштиришдир».

■ **Ҳайдар МУРОД**

СОҒЛИҒИНГ — БОЙЛИГИНГ

КЎҲНА ДАРДГА ЯНГИЧА ДАВО

Ҳар қандай касаллик вақтида аниқланиб даволанмаса, нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Сил касаллиги улар орасида энг хавфли ва юқумли дард ҳисобланади. Ўтган йили «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун қабул қилиниши бежиз эмас.

Хўш, мазкур қонун ижроси жойларда қай тарзда амалга оширилмоқда? Республика DOTS марказининг назоратни мувофиқлаштирувчиси Абдулла Йўлдошев ва Бўстонлиқ тумани марказий шифохонаси бош врач муовини Дилбар Ўрмоноваларни суҳбатга тортдик.

— Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, ҳозир Ер юзи аҳолисининг учдан бир қисми шу хасталикка чалинган. Сил ҳар йили 3 миллион одамнинг умрига зомин бўлмоқда, — дейди А. Йўлдошев. — Шунинг учун сил касаллигига қарши кураш ҳар бир мамлакатда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

«Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишидан мақсад — халқ соғлиғини таъминлаш, келажакни асрашдир.

Мазкур қонун талабларини бажара бориб, мамлакатимизда кўпгина ишлар қилинмоқда. Хусусан, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ишлаб чиққан DOTS дастурига Ўзбекистон ҳам қўшилиб, ўз миллий дастурини тайёрлашга ҳозирлик кўрмоқда. Уни тиббиёт соҳасига татбиқ қилмоқда.

Аввало DOTSнинг мазмунига тўхталсак: у инглизча сўзларнинг бош ҳарфлари бўлиб, сўзлар ўзбекчага таржима қилинганида «қисқа муддатли назорат остида кимёвий даво олиш», деган маънони беради. Мамлакатимизда ҳам қўллана бошлаган ушбу дастур дунёнинг 127 давлатида татбиқ этилган. Шу боисдан ҳозир Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрининг А.Икромов ва Чилонзор туманларида жорий этилди. Шу йилдан DOTS дастури Бўстонлиқ туманида ҳам қўлланилиши учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Дилбар опа, DOTS дастури шу кезгача тиббиётда қўлланиб келинган анъанавий даволаш усулларидан нимаси билан фарқ қилади?

— Сиртдан қараганда DOTSнинг анъанавий даволаш усулидан фарқи йўқдек. Сил билан оғриган беморларни даволаш текин. Зеро, бу дастур бўйича даволанишда бемор ўзига берилаётган 4-5 препаратни тиббий ходимлар назоратида қабул қилади. Бу, биринчидан, дориларнинг ўз вақтида ичилишини таъминласа, иккинчидан, дориларнинг беморга қандай таъсир қилаётганини даволовчи шифокор ёки ҳамшира бевосита кузатиш имконига эга бўлади. Учинчи фарқ эса касални аниқлашда, ундан олинган балғам бевосита текшириб кўрилади. DOTS дастури амалга оширила бошлагач, ҳамма қишлоқ шифокорлик масканлари, фельдшерлик пунктларида балғам йиғиладиган махсус хоналар ташкил қилинди. Йиғилган балғам 48 соат ичида таҳлилхоналарга етказиб берилиши таъминланади. Бу эса сил хасталигига чалинаётган кишиларни ўз вақтида аниқлаб, даволаш имконини беради.

— Дилбар опа, бу ишнинг ташаббускори нега айнан Германия бўлди экан, нима уларда хасталар кўпми, деган савол ҳам хаёлга келиши мумкин. Шу ҳақда ҳам...

— Аксинча, немислар юрти мўътадил минтақа, яъни сил касаллиги камдан-кам тарқалган ҳудудга киради. Лекин уларда хавотир бор. Чунки ҳозирда халқаро алоқаларнинг чуқурлашуви, миграция, борди-келдининг кучайиши бу мамлакатга ҳам сил касаллиги хавфини олиб кириши мумкин. Шу боисдан Германия бу хайрли юмушларга катта миқдорда маблағ ажратмоқда.

■ **Суҳбатдош: Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СУРАТЛАРДА ДЎСТЛИК РАМЗИ

Пойтахтимизда яна бир кўргазма бўлди. Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залига қўйилган бу сафарги экспонатлар асосан фотосуратлардан иборат. Моҳир сураткаш Виктор Аннинг ўзига хос асарлари «Йўқлангунча» деб аталган. Сураткаш ўз расмларини корейслар ҳаёти билан боғлашга ҳаракат қилган. Корейс миллатининг тарихи, маданияти, анъаналари, меҳнатсеварлиги, қолаверса, табиатга муносабати ранг-баранг суратларда ифода қилинган. Сураткаш ўзининг қарийб чорак асрлик ижодий фаолияти мобайнида Болгария, Германия, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда ҳам асарлари билан қатнашган. Шунингдек, «Биз киммиз?», «Қозоғистон корейсларининг тарихи», «Корейс театрига 66 йил» деб номланган альбомлар яратган. «Йўқлангунча» суратлар туркумига киритилган «Орол», «Қизча ва табиб», «Болалигим кўчалари» каби асарлар томошабинларда яхши таассурот қолдиради.

■ **Нигора ЎРАЛОВА**

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
(Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq —	133-44-55
Iqtisodiyot —	133-76-04
Ma'naviyat —	133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar —	133-12-56,
Axborot —	136-55-16
Kotibiyat —	133-72-83
Reklama va e'lonlar —	133-38-55, 133-47-80
Faks —	133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda	— 25-16-16
Buxoroda	— 222-10-92
Gulistonda	— 25-03-80
Jizzaxda	— 5-49-85
Navoiyda	— 3-39-20
Namanganda	— 6-43-43
Nukusda	— 222-70-12
Samarqandda	— 35-20-54
Toshkentda	— 136-53-16
Urganchda	— 226-51-35
Farg'onada	— 26-43-62
Qarshida	— 4-61-35
Termizda	— 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ГАЗЗАЕВ ШОГИРДЛАРИНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Шу кунларда Италия сафарида юрган Москванинг ЦСКА футбол клуби ўртоқлик учрашувида имкониятни бой бериб қўйди. Навбатдаги учрашувни клуб футболчилари иккинчи дивизионга кирувчи «Сиена» жамоаси билан ўтказган эди. Ҳисоб мезбонлар фойдасига ҳал бўлди (3:0). Москвалик футболчилар устози Валерий Газзаев «А» туркумига кирувчи «Перуджа» жамоаси билан бугун бўладиган ўйинга умид боғламоқда.

ЖАҲОН РЕКОРДИ ЎРНАТИБ

Голландиялик Герард Ван Велде 1000 метрга конькида югуриш бўйича жаҳон рекорди ўрнатиб, олимпиада олтин медалини қўлга киритди. Америкалик Крис Уити ҳам шу масофада янги рекорд ўрнатишга муваффақ бўлиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Италия тоғ чанғи устаси Даниэла Чеккарелли супергигант сламломда маҳорат кўрсатиб, олимпиада чемпиони бўлди.

«МИЛАН» ФАХРИЙЛАРИ ҒАЗАБНОК

«Милан» футболчиларининг кейинги учрашувларидан мухлислару клуб раҳбарлари ҳам норози. «Команда» газетасининг ёзишича, «Милан»да бошбошдоқлик ҳукмрон, жамоа икки гуруҳга бўлингандай. Биринчи гуруҳга клуб «кексалари», яъни фахрийлардан Мальдини, Костакурта, Себастьян Росси, Хосе-Антонио Шамот, ака-ука Сержиньюлар йиғилишган бўлса, иккинчи гуруҳ Андрей Шевченко бошчилигидаги қолган футболчилардан иборат бўлиб қолган. Жамоадаги бундай носоғлом муҳит албатта ўйинларга ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти.

10 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ЖАРИМА

Аргентиналик теннисчи Давид Налбандяннинг Чилида давом этаётган халқаро очиқ турнирда ҳакамни ҳақорат қилиши қимматга тушди. Бразилиялик Флавиу Сареттой билан ўтказилаётган чорак финал учрашувининг биринчи геймида ҳисоб 4:3 эди. Ҳисобнинг рақиб фойдасига ҳал бўлганини сезган аргентиналик теннисчи ҳакамнинг қарорига норозилик билдириб, уни ҳақоратлади. Буни кузатиб турган АТП вакили Том Барнс эса иккиланмай Давидни ўйиндан четлаштириб, 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги жарима билан «сийлаб» қўяқолди.

ТАЙСОН ШАЙЛАНМОҚДА

Профессионал боксчи, оғир вазнлилар орасида жаҳон экс-чемпиони Майкл Тайсон кутилаётган учрашувда қатнашишга рухсат олди. Си-Эн-Эн телекомпаниясининг хабарига қараганда, у англиялик боксчи Лэннокс Льюисга Жоржия штатида, аниқроғи, Атлантa шаҳрида рўбарў бўлади.

ФУТБОЛ

Asian Club Championship

«НАСАФ»НИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида Осиё чемпионлари кубогининг чорак финал учрашувларини муваффақиятли ўтказган «Насаф» (Карши) жамоаси навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Аслида бу оламшумул ғалаба эмас. Лекин мамлакат миллий терма жамоаси ва клубларининг кейинги йиллардаги омадсизликлари ҳисобга олинса, бу натижанинг салмоғи сезилади. Шу боис, жамоа бош мураббийи Баҳром ҲАКИМОВ билан суҳбатлашдик.

— Баҳром ака, аввало сизни ва жамоани ушбу муваффақият билан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— «Насаф»нинг кейинги босқичга йўлланма олишига ишонганмидингиз?

— Жамоанинг чорак финалда муваффақият қозониши муҳим аҳамиятга эга эди. Шу туфайли йигитларни майдонга фақат ғалаба учун чиқишларини таъминлашга эришдик. Улар ҳам ортларида миллионлаб мухлислар турганликларини ҳис этиб тўп суришди.

— Ушбу натижани омадга йўйишса, нима дердингиз?

— Аслида спортда омад ҳам кучлиларга кулиб боқади. Шу жиҳатдан қараганда, футболчиларимиз бор маҳоратларини намойиш этишди. Бу натижа тасодифий қўлга киритилмади.

— Жамоа уч учрашувда турли таркиб билан иштирок этди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Рўйхатдан 20 футболчи жой олганди. Аммо жисмоний тайёргарлиги кўнгилдагидек эмаслиги туфайли Акмал Ҳошимов, жароҳати боис Нурали Султоновлар майдонга тушишмади. Жамоа сардори Рўзиқул Бердиев дастлабки учрашувда жароҳат олгач, кейинги икки учрашувни ўтказиб юборди. Ойбек Усмонхўжаев ҳам нималарга қодир эканлигини тўла намоён эта олмади. Шуни назарда тутиб, кўпроқ ёшларга эътибор қаратдик. Ботир Қораев, Жалол Жўнашев, Рустам Ҳакимов сингари умидли футболчилар ишончимизни оқлашди.

— Энг қийин учрашув деб қай бирини ҳисоблайсиз?

— «Ал-Қувайт» билан ўйинимиз анча оғир кечди. Чунки, илк учрашувда жамоа аъзолари жуда ҳаяжонланишди. Ана шундай ҳаяжонли баҳсда камида дуранг натижани кўзлагандик ва муддаога эришдик.

— Кейинги босқичда ҳам шу таркиб сақланиб қоладими?

— Ҳозирдан бирор нарса дейиш қийин. Бош мураббий сифатида Алишер Бозоров, Нўъмон Ҳасанов, Шуҳрат Раҳмонқулов, Ойбек Усмонхўжаевларнинг таркибда тўп суришини хоҳлардим. Нўъмон Малайзия клубларидан бири билан шартнома имзолаш арафасида. Бошқаларнинг тақдири эса ички чемпионат бошланиши олдидан ҳал бўлади. Мазкур таркибнинг сақланиб қолиши нафақат футбол клубига, балки кўпроқ ўйинчиларнинг ўзларига боғлиқ.

— Баҳром ака, мусобақа давомида мутахассислар «Насаф»га нисбатан қандай муносабатда бўлишди?

— Очиғи, баҳслар бошланишидан олдин рақиб жамоалар вакиллари «Насаф»га беписанд қарашганди. Аммо, ўйинлар тугагач, БАА, Қувайт мутахассислари Бахтиёр Намозов, Пётр Гизимчук, Бахтиёр Қамбаралиев, Шуҳрат Раҳмонқулов сингари футболчиларнинг ўйинларига қизиқиб, уларни ўз жамоалари таркибида кўриш истагида эканликларини билдиришди. Бироқ олдинда ҳали жиддий ва муҳим учрашувлар турганлиги боис, ҳозир бу ҳақда гапиришнинг мавриди эмаслигини таъкидладик.

— Гапларга қараганда, мезбонлар сизни ўз жамоаларига ишга таклиф этишибди...

— Ҳа, тўғри. «Ал-Вахда» билан ўйинимиз ниҳоясига етгач, клуб раҳбарлари мени бош мураббийликка таклиф этиб шартнома имзолашмоқчи эканликларини билдиришди. Лекин бу тўғрида бошлаб қўйилган ишни поёнига етказгач, ўйлаб кўришим мумкинлигини айтдим.

— Кейинги ҳал қилувчи босқич учрашувлари қачон ўтказилади? «Насаф» қаерда тайёргарлик кўради?

— Баҳслар апрелнинг дастлабки ўн кунлигида бўлиб ўтади. Мусобақа учун қайси мамлакат танланишини келгуси ойда ОФК ҳал этади. Бўлажак рақиб ҳақида эса 17-21 февраль кунлари Шарқий минтақа гуруҳи учрашувлари якунлангач, аниқ фикр айтиш имкони бўлади.

Навбатдаги учрашувларга тараддуд кўриш учун баъзи жамоаларга ўхшаб, хорижий давлат ёки бошқа шаҳарларни танламаймиз. Чорак финал олдидан Қаршида тайёрландик. Абу Даби иқлимининг Қашқадарёникига жуда ўхшашлиги мусобақада қўл келди. Ҳеч бир учрашув давомида футболчиларимизда толиқиш сезилмади, кўтаринки кайфиятда тўп суришди. Бу гал ҳам ўз шаҳримизда тайёргарлик кўрамиз.

— Кейинги босқичда ҳам зафарлар тилаймиз.

Шу ўринда ушбу нуфузли баҳсларнинг ярим финал босқичига йўлланма олган жамоанинг Нўъмон Ҳасанов, Алишер Бозоров, Рўзиқул Бердиев каби етакчи футболчиларининг таассуротлари билан қизиқдик.

Нўъмон ҲАСАНОВ: Биз Абу Дабига етиб борган кунимиз, маҳаллий матбуотда жамоамизни гуруҳнинг аутсайдери бўлади, деб мақолалар чоп этишганини эшитдик. Албатта, бундай муносабат бизга нисбатан менсимай қарашаётганлигидан далолат берарди. Шу туфайли жамоадошларимни руҳий жиҳатдан ғалабага тайёрлаш жамоа сардори сифатида менга ҳам катта масъулият юклади. Натижада учрашувларда майдоннинг ҳар бир қаричида ғалаба учун тўп сурдик. Сўнгги турда «Ал-Ваҳда» устидан ғалаба қозонганимизда маҳаллий ишқибозлар ҳам жамоамизни олқишлашди. Бу узоқ вақт ёдимдан кўтарилмаса керак.

Алишер БОЗОРОВ: «Насаф» таркибига келиб қўшилганлигимдан афсус қилмайман. Жамоадагилар билан тезда тил топишиб кетдик. Айниқса, «Истиқлол»дек Осиёнинг етакчи жамоасига қарши муносиб ўйин намойиш этиш нафақат мухлисларга, балки ўзимизга ҳам завқ бағишлади. Энди қолган икки муҳим учрашувда ҳам фақат ғалаба учун майдонга тушишга интиламиз.

Рўзиқул БЕРДИЕВ: Илк ўйинда жароҳат орттирганимдан хижолатдаман. Жамоадошларимга раҳмат. Ишқибозларга бир олам қувонч ҳадя этишди. Ўйлайманки, ҳал қилувчи босқичда ҳам ишончли тўп суриб, «Насаф»нинг зафарли одимини давом эттирамиз.

■ **Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди**

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Яхшидан боғ қолади, деганлари рост экан. Яраш ҳожи Пардаев ташкил этган Бахмал туманидаги «Мустақиллик» хўжалиги боғ ва токзорларини жаннатга қиёслаш мумкин. Бу ерда етиштирилган тонна-тонна ширин-шакар мева-ю узумлардан аҳоли баҳраманд бўлмоқда. Унинг ташаббуси ва ғайрат-шижоати билан қишлоқлар газлаштирилди ва ободонлаштирилди.

Унинг ниятлари бисёр эди. Боғ-роғларни янада кенгайтирмоқчи, мева ва узумнинг янги-янги навларини кўпайтирмоқчи эди. Афсус, бешафқат ўлим шундай ажойиб инсонни орамиздан олиб кетди.

Бироқ Яраш ҳожининг эзгу ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Унинг қобил фарзандлари ва шогирдлари устозниниг эзгу ишларини сидқидилдан давом эттиришга бел боғлашди.

1935 йилда деҳқон оиласида туғилган Яраш Пардаев меҳнат фаолиятини 1957 йилда ўқитувчиликдан бошлаганди, кейинчалик бутун умрини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлади.

Яраш Пардаевнинг фидокорона меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У қатор орден ва медаллар соҳиби бўлди.

Ажойиб инсон, содиқ дўст Яраш ҳожи Пардаев хотираси қалбимизда абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси филология фанлари доктори А.Мусақуловга онаси

ЎРАЗГУЛ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

1-сон шаҳар руҳий-асаб касалликлари диспансери маъмурияти ва касаба уюшмаси бўлим мудири С.С.Акбаровага отаси

Собир АКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети) томонидан 1991 йилда Файзиев Облоқул Ўнарович номига берилган 983326 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ